

## **ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТХДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Хабилов Н. Л. , Шарипов С. С , Алимов Ў., Абдурахимов З. А.**

Тошкент давлат стоматология институти

Мактаб ёшидаги болалар орасида оғиз бўшлиғи тўқима ва аъзоларидаги нуқсонлар, жумладан тиш-жағ аномалия ва деформациялари кўп учрайди. Мутахассислар таҳлилига кўра ҳозирги кунда Россия Федерациясида болалар ва ўсмирлар юз-жағ тизими ривожланиши давридаги нуқсонлар 75% кузатилади [Логинова Н.К1994].

Аксарият ҳолатларда болалар ўртасида тиш-жағ тизими аномалияларини эрта ташхиси ва даволаш муолажалар олиб борилмаслиги натижасида, ушбу нуқсонларнинг келиб чиқиши ва асоратларнинг олдини олиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [Минаева Р.Н. 1994; Малыгин Ю.М., Берсенева Е.Л. 2000; Bardsley P.F.2004].

Бизга маълумки чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) функционал бузилишларини келиб чиқишида қисман тишсизлик ҳам юкори ўрин эгаллайди. Қисман тишсизлик оқибатида пастки жағнинг ва чайнов мушакларининг нормал фаолияти бузилади. Болаларда тиш йўқотишларнинг асосий сабаблари кариес ва унинг асоратлари ҳамда болалар оғиз бўшлиғи гигиенасига улар ва ота-оналарнинг эътиборсизлигидир. Амалмашинув тишлов даврида болалар доимий тиши, яъни окклюзиянинг калити ҳисобланган 6-тишни йўқотиши оқибатида ўз вақтида протезланмаса тиш қаторида деформациялар ва кейинчалик ЧПЖБда функционал бузилишлар келиб чиқади. Доимий тишлов даврида чайнов тишларни йўқотиш кўпроқ Кенеди бўйича 1 ва 2-синф тишсизликда тишлов баландлигининг ўзгариши ҳам ЧПЖБда функционал бузилишларга олиб келади.

Болалар ва ўсмирларда жағларнинг ўсишини инобатга олганда қисман тишсизликни кўприксимон протезлар билан даволаб бўлмайди. Болалар ва ўсмирларда қисман тишсизликни кўпчилик ҳолатларда қисман олиб қўйиладиган пластинкали протезлар билан даволанади.

Даволаш тиш йўқотилгандан сўнг қисқа муддатда олиб борилди. Шунингдек уларни протезлангандан кейин тиш қатори ва окклюзион сатхда ҳамда ортопантограммада бўғимда ҳеч қандай ўзгариш йўқлигини кўрдик. Тадқиқот натижаларига кўра ўсмирлар орасида тиш қатори ва окклюзион юзадаги ўзгаришларни ёш ва жинси инобатга олиб ўрганилади. Бизнинг текшириш натижаларимизга кўра болаларни ёш гуруҳига тўғри пропорционал равишда ортиши ЧПЖБдаги ўзгаришлар билан боғлиқлиги аниқланди.

Шундай қилиб ўсмирлар тиш қаторлари ва окклюзион сатхдаги ўзгаришларни чакка пастки жағ бўғими ривожланишига таъсирини ўрганиб, тиш қаторидаги аномалия ва деформацияни олдини олишнинг замонавий усулларида бири Ацетал пластмасали протезлар тайёрланди. Бу протезнинг афзаллик томонлари илмоқ қўйиладиган тишларга қоплама қўйиш керак

эмаслиги ва илмоқларни косметик талабларга жавоб бериши ҳамда протез майдони кичиклиги сабабли протезга мослашишни кам вақт талаб этишидир.

### **Список литературы:**

1. Акбаров, А., and Ж. Камилов. "ВОЗРАСТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ И ВЗАИМОЗАВИСИМОСТИ НЕКОТОРЫХ КЕФАЛОМЕТРИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ У ДЕТЕЙ ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ГОРОДА ТАШКЕНТА." *Stomatologiya* 1.3 (76) (2019): 47-52.

2. Азимов М.И. Диагностика и патогенетические аспекты терапии воспалительных заболеваний челюстно-лицевой области. Дис. ...д-ра мед. наук.-Л., 1991.-112 с.

3. Камилова, Роза Толановна, Авзал Нигматуллаевич Акбаров, and Зухра Равшановна Шарапова. "ВОЗРАСТНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРОРЕЗЫВАНИЯ ПОСТОЯННЫХ ЗУБОВ У ДЕТЕЙ ОТ 4, 5 ДО 6 ЛЕТ ГОРОДА ТАШКЕНТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН." *ВВК* 35 (2020): 114.

4. Рогожников.Г.И., Казымов.К.П. Морфоструктурные изменения тканей зубов при различной степени стираемости: научное издание // Российский стоматологический журнал.-М., 2014.- С. 15-18.- Библиогр: 11 назв.